

3. G. Nurmatova, Final Report on Cardiff Metropolitan University's two months internship in the frame of Erasmus Mundus ARCADE project, October-November 2012.
4. Вебсайт Российской академии естествознания www.rae.ru
5. Целевая подготовка специалистов на факультетах при предприятиях -заказчиках / В.Н. Герди, А.А. Дорофеев, В.И. Заварзин, С.С. Юдачев. // Полет. 2000. Спец. выпуск - МГТУ имени Н.Э. Баумана -170 лет. С. 67-70.
6. Intermediate Report of Tempus TERSID Project (<http://www.tersid.net/>).

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ЕВРОПА ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Рихсиева Г.Ш.

Ушбу мақолада Темпус миллий офиси томонидан европалик олимлар иштирокида ташкил этилган докторлик дастурлари доирасидаги семинар ва унда муҳокама қилинган масалалар ёритилган. Олий таълимдан кейинги таълим бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида Европа тажрибаси бўйича фикр алмашиб, бугунги кундаги вазифаларимиз ҳақида мушоҳада юритилган.

ПОДГОТОВКА И ЗАЩИТА ДОКТОРСКИХ ДИССЕРТАЦИЙ: ЕВРОПЕЙСКИЙ ОПЫТ И РЕФОРМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Рихсиева Г.Ш.

В данной статье дается информация о семинаре по докторским программам, организованном Национальным офисом Темпус при участии европейских специалистов. Дается анализ обсуждённых вопросов, рассматривается опыт европейских стран и процессы реформирования, задачи по послевузовскому образованию и подготовке докторов наук.

PREPARATION AND DEFENSE OF THE DOCTORAL DISSERTATION: EUROPEAN EXPERIENCE AND REFORMS IN UZBEKISTAN

Rikhsieva G.SH.

This article provides information about the seminar on doctoral programmes, which was organised by the National Tempus Office with the participation of European experts. . Also, it analyses discussed questions , European experience and modernisation process, objectives of post-graduate education and preparation of doctors of science.

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, ҳар бир халқнинг салоҳияти ўша давлатда яратилган ва яратилаётган илмий тадқиқотлар кўлами, сифати ва

самарадорлиги билан белгиланади. Глобаллашув жараёнларининг таъсири барча жабҳаларда кўринаётган бугунги тезкор давр илм-фан соҳасида ҳам замонавий ёндашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу таълим тизимига, илмий тадқиқот жараёнига ҳам янгича талабларнинг қўйилаётганлигида ҳам кузатилмоқда. Олий таълимдан кейинги таълимни жорий этиш бўйича катта ислоҳотлар учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” ПФ-4456 сонли Фармони ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 декабрдаги “Олий ўқув юртдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори эълон қилиниши мазкур тизимда кўплаб янгилıklar киритишни тақозо этмоқда. Чунки олий таълимдан кейинги таълимнинг икки босқичли тизимдан 1 босқичли тизимга ўтказилиши, аспирантура ва докторантура ўрнига ягона – катта илмий ходим изланувчилик институтининг ташкил этилганлиги республикамизда таълим ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш борасида катта бурилиш ясади. Бу тизимда кўзда тутилган ислоҳотларни амалга ошириш учун ривожланган мамлакатларнинг тадқиқот тизимини ҳам ўрганиб чиқиш, ижобий жиҳатларини муҳокама қилиб бориш муҳим ҳисобланади.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги Темпус миллий идораси ташаббуси билан ташкил этилган илмий-методик семинар ҳам юқорида таъкидланган тадбирлар сирасига киради. 27-28 август кунлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Темпус миллий экспертлар гуруҳи раиси, университет ректори Қаюмов Шухрат Шукурович раҳбарлигида ташкил этилган ушбу семинарда Хорватиянинг Загреб университети илмий ишлар проректори, профессор Мелита Ковачевич иштирок этди. Анжуманда Темпус миллий идораси раҳбари Азиза Абдурахмонова Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорликда бажарилаётган халқаро лойиҳалар, Темпус ҳамда Эразмус Мундус ташкилотларининг республикамиз олимлари ва тадқиқотчилари учун таклиф этаётган имкониятлари, қўшма лойиҳалар дастурлари ҳақида фикр билдириб, олий таълим муассасалари вакиллари, тадқиқотчиларни фаол ҳамкорликка чорлади. Университет проректори профессор Гуландом Боқиева европалик ҳамкасбини мамлакатмизда амалга таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги бир босқичли тадқиқот тизими, олимларимиз имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берди. Янги тизимнинг афзалликлари, жумладан, бир босқич асосида фан докторлари сафининг ёшариши, илмий мактабларнинг яратилишига вақт жиҳатидан ҳам имкониятнинг кенгайгани, тадқиқотчилар учун хорижий илмий янгилıklarни ўрганиш, изланиш натижаларини жорий этишлари бўйича шароитлар тўғрисида фикр юритиб, европалик меҳмон ва тадбирда

иштирок этаётган мамлакатимизнинг олий таълим муассасалари мутасадди вакиллари ўртасида эркин мулоқотни бошлаб берди.

Европалик профессор Мелита Ковачевич ижтимоий гуманитар соҳада фан докторлари тайёрлаш тизими, унинг имкониятлари ва муаммолари ҳақида атрофлича тақдимот қилди. Тақдимотда Европа таълим муассасаларида докторантларни ўқишга қабул қилишдан тортиб ҳимоя жараёнлари, дипломлар берилиши жараёнигача бўлган масалалар бўйича маълумотларни берди. 2005 йилдан жорий этила бошлаган янгича тизимнинг ўзига хосликлари тўғрисида фикр юрита туриб, тизимнинг мураккабликлари, бугунги кундаги ҳолати, муаммолари ҳақида ҳам мулоҳазаларини баён этди.

Фаол муҳокама жараёнларида иштирок этиш асносида бугунги кунда мамлакатимизда фан докторлари тайёрлаш борасида қуйидаги масалалар муҳокама қилинди:

- фан соҳалари бўйича мавзуларни шакллантириш;
- илмий маслаҳатчилар, уларнинг ваколатлари ва масъулияти;
- олий таълимдан кейинги таълим жараёнини ташкил этиш;
- ўқиладиган фанлар ва малакавий имтиҳонлар;
- докторлик диссертацияси бўйича илмий нашрлар;
- диссертация ёзиш методикаси;
- ҳимоя жараёни ва ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши;
- докторлик дастурлари аккредитацияси;
- докторлик дастурларига талабгорларни танлаш ва ўқишни ташкил этиш ва бошқалар.

Профессор Мелита Ковачевич илмий раҳбарларнинг ўқишини ташкил этиш муҳимлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Бу янги тизимни жорий эта бошлаш босқичида ниҳоятда муҳим ҳисобланишини таъкидлаб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Янги низомлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида таълим ва тадқиқот жараёнини талаб даражасида ташкил этиш, замонавий талабларга жавоб берадиган, фундаментал билимларга эга бўлган юқори салоҳиятли, олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида илмий маслаҳатчининг ўрни беқиёсдир. Европалик олим илмий раҳбар бўлиши учун сўнгги йилларда камида 5 та янги илмий нашр эълон қилган бўлиши, илмий тадқиқот билан мунтазам фаол шуғулланаётган бўлиши зарур. Илмий раҳбарга алоҳида маблағ тўланмайди, шогирдларининг мавжудлиги, уларнинг ютуқлари, докторантларга раҳбарлик қилаётганлиги фақатгина унинг лавозими ошишига таъсир этади, холос. Шу ўринда илм-фаннинг келажагига ўзини масъул деб билиш, ёш тадқиқотчиларга раҳбарлик қилишни ўзининг бевосита вазифаси деб биладиган ва мунтазам илмий фаолият юритадиган европалик олимларнинг ёндашувлари жуда маъқул бўлди. Бундан шундай хулоса чиқадики, қайси минтақада яшамасин, ҳақиқий олим ўзидан кейин

қолдирган илмий ишлари ва албатта шогирдларининг салмоғи, уларнинг фанга кўшган ҳиссалари билан белгиланади. Мазкур масала бугунги кунда олимларимиз олдида турган яна бир муҳим, долзарб вазифага алоҳида, жиддий ёндашишлари кераклигини яна бир бор кўрсатмоқда. У ҳам бўлса, соҳалар бўйича илмий мактабларини яратиш, амалга оширилган тадқиқотлар муҳокамаси ва бажарилиши зарур бўлган, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи йўналишлар, илмий мавзулар доирасида фаолиятни тизимли ташкил этишдир. Бу эса мамлакатимизда илм-фаннинг жаҳон миқёсига олиб чиқиш сари фаолиятни янада ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Проф. М.Ковачевич маълумотларига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида илмий тадқиқот билан шуғулланаётган хорижий докторантлар салмоғи 30-40% ни ташкил этади. Бу ҳамкорликдаги тадқиқотларнинг яратилиши, ўзаро фикр ва тажриба алмашувни такомиллаштириш, илмий янгиликларни ёйиш ва татбиқ этиш кўламининг кенгайишига имконият яратади, албатта. Шунингдек, проф. М.Ковачевич семинар иштирокчиларини ҳозирги кунда Европада тобора кўпайиб бораётган ҳамкорликдаги кўшма дастурлар – joint program ҳақида батафсил маълумот берди. Мазкур дастурлар Европа Иттифоқи мамлакатларида икки ёки ундан ҳам ортиқ давлатдаги олий таълим муассасаларида мобил, эркин таълим олиб, магистрлик ёки докторлик диссертациялари ёзаётганлари, соҳа бўйича турли мамлакатларнинг олимларидан таълим олиб, ҳамкорликда фаолият юритиш имконига эга эканлари ҳақида фикр юритди. Ҳақиқатан ҳам, бу дастурлар ниҳоятда қизиқарли, шу билан бирга, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кўпгина жиҳатларни ҳал этишни талаб этадиган дастурлар. “Темпус”нинг ўзбекистонлик экспертлари ҳам бугунги кунда кўшма дастурлар масаласида қатор муҳокамалар ўтказиб, олий таълимдан кейинги таълим тизимида олий таълим муассасалари аро кўшма дастурлар яратиш ва жорий этиш бўйича ўз таклифларини тайёрламоқдалар.

Маълумки, бугунги кунда глобал ахборот тармоғи бўлган Интернет тизими орқали ахборот алмашинувида катта имкониятлар яратилган. Мазкур семинарда айтилган маълумотлардан бири Европа докторантларининг умумий интернет сайти, ундаги янгиликлар ва ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокамаси бўлди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида ташкил этилган ёш олимлар уюшмалари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида ташкил этилган Ёш олимлар кенгаши фаолияти, тадқиқотчилар учун республикада ташкил этилаётган танловлар ва катта миқёсдаги тадбирлар ҳақида маълумот бердилар. Семинарда Европа докторантлари кенгаши билан ҳамкорликда тажриба алмашиш, биргаликда илмий мақолалар ёзиш ва нашр этиш каби фойдали тадбирлар бўйича режаларни кенгайтириш фикри билдирилди. Шунингдек, проф. М.Ковачевич Загреб университети мисолида “докторлик куни” тадбирлари, тадқиқотчилар учун яратилган шароитлар ва уларнинг мажбуриятлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни берди.

Проф. М.Ковачевичнинг маърузаларида докторлик дастурлари турлари, ушбу дастурларни аккредитациядан ўтказиш, докторантларни танлаб олиш, уларнинг таълим жараёни ва диссертациялар ҳимоялари бўйича берган маълумотлари асосида қизғин муҳокамалар бўлди.

Муҳокамаларда “Темпус”нинг миллий экспертлар гуруҳи аъзолари, республикамиз олий таълим масассалари илмий ишлар проректорлари, илмий бўлим ходимлари, катта илмий ходим изланувчилар ҳамда ёш тадқиқотчилар фаол иштирок этдилар.

Муҳокама якунида проф.М.Ковачевич томонидан айтилган бир фикрни алоҳида таъкидлаш жоиз. “Бизга яхши диссертациядан ҳам яхши докторлар кўп бўлиши муҳим. Минглаб диссертациялар ёзилади, ҳимоя ҳам қилинади. Аммо докторнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси унинг кейинги фаолияти, шогирдларининг илмий ишлари, очган янги йўналишлари, яратган мактаби билан баҳоланади”. Бизда ҳам яхши фан докторларини тайёрлаш ниҳоятда муҳим. Фан доктори, ҳақиқатан ҳам, фан номзоди эмас, балки ўз ёндашувларига ва йўналишига эга, назарий жиҳатдан бақувват, соҳани ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган ва шогирдларни тарбиялай оладиган ва келажакда ўз илмий мактабини ярата оладиган шахсдир. Бундай докторларнинг кўп бўлиши олдимизга қўйган мақсадларга эришишимиз, фанимиз ютуқларини, тараққиётини ривожланган мамлакатларда ҳам бемалол тарғиб эта олишимизга асос бўлади.

Мазкур мулоқот ҳам фан соҳаларида янгилик яратиш истагида бўлган тадқиқотчилар учун, илмий фаолият жараёнини бошқариб келаётган масъул ходимлар учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлди. Республикамизда янги тизим жорий этила бошлаган бугунги кунда бу каби мулоқотлар илмий тадқиқот жараёнларининг жонланиши, ёш тадқиқотчиларнинг бу жараёнга фаол киришиши, қизиқишларининг ортишига, ривожланган демократик давлатларнинг олий таълим мауссасалари ва илмий марказлари ҳамда уларда фаолият кўрсатаётган олимлар билан илмий ҳамкорликнинг йўлга қўйилишида муҳим омиллардан бўлади, деб ўйлаймиз.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В КОНТЕКСТЕ БОЛОНСКОГО ПРОЦЕССА

Касымова Н.А.

Материал подготовлен по вопросам качества в высшем образовании, включая концепцию или определения качества, подходы и основные компоненты, систему и механизмы обеспечения качества. Он также